O`zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
**HOKIMI**
**QARORI**

**РЕШЕНИЕ**
**ХОКИМА**
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

00, Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo`rg`oni.
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2015 у.г. «31» декабр №1870-х

**“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” қўрғонида фуқаро Рахмонов Заршед Зарифовичга сутни қайта ишлаш кичик корхонаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Кумзор” маҳалласида яшовчи фуқаро Рахмонов Заршед Зарифович туман ҳокими номига “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” қўрғони ҳудудидан сутни кайта ишлаш кичик корхонаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, ”Самфуқаролойиҳа” масъулияти чекланган жамиятини 2015 йил 13 ноябрдаги 100 сонли хулосаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1.“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Кумзор” маҳалласида яшовчи фуқаро Рахмонов Заршед Зарифовичга “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” қўрғони бош режасидан сутни қайта ишлаш кичик корхонаси қуриш учун 0.19 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Рахмонов Заршед Зарифовичга сутни қайта ишлаш кичик корхонасини куришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.